

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВАЗИРЛИГИ ХУЗУРИДАГИ**  
**ПРОГНОЗЛАШТИРИШ ВА МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИДА МАВЖУД БЎШ ИШ**  
**ЎРИНЛАРИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**УМУМИЙ ТАЛАБЛАР**

1. Иқтисодиёт, молия, солиқ, шунингдек банк иши йўналишларида олий маълумотга эга бўлиши (хорижий ва халқаро олий ўқув юртларида таҳсил олган номзодларга афзаллик берилади).
2. Ўзбек тилини мукамал, рус ва инглиз тилларини юқори даражада билган (бўш иш ўрни хизмат вазифаларидан келиб чиқади). IELTS сертификатига эга бўлган (камида 6 балл) номзодлар ижобий баҳоланади.
3. Компьютер саводхонлиги, жумладан Microsoft Word, Excel ва Power Point дастурларини мукамал билиши.
4. Ҳалоллик, меҳнатсеварлик, ташаббускорлик ва ўз вазифасига масъулият билан ёндашиш.
5. Профессионал этикет, атрофдагиларга, шунингдек ҳамкасбларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, жамоа билан ишлаш қобилиятига эга бўлиши.
6. Муомала маданияти, ўз фикри ва мулоҳазаларини ифодалай олиши, шунингдек, музокара олиб бориш қобилиятига эга бўлиши.
7. Муаммолар ечими бўйича тезкор фикрлаш ва ўз таклифларини тақдим қила олиши.
8. Мамлакатда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ислохотлардан хабардор бўлиши ва улар бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар моҳиятини чуқур англай олиши.

**ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ ШАРТЛАРИ ВА ТАРТИБИ**

**1-босқич:** Юқоридаги талабларга жавоб берадиган номзод [info@ifmr.uz](mailto:info@ifmr.uz) электрон манзилига ўзбек ва инглиз тилларидаги маълумотномасини (Иловага мувофиқ word шаклида) ҳамда нима учун айнан шу лавозимда ишлаш истаги борлиги тўғрисида иншо (эссе)ни ўзи мукамал билган хорижий (инглиз, немис, француз ва ҳоказо) ва ўзбек тилларида (камида икки варақда Times New Roman 13-шрифтида) ёзиб жорий йилнинг **10 январга** қадар юбориши керак.

**Бунда, иншо (эссе)ни хорижий тилда ёзиш фақат хорижий тилларни мукамал биладиган номзодлардан сўралади.**

**2-босқич:** **10 (ўн) иш куни ичида** ишчи гуруҳи томонидан номзодларнинг маълумотномалари ва иншолар ўрганиб чиқилади. Қўйилган талабларга жавоб берган ва кейинги босқичга ўтган номзодлар билан **онлайн суҳбат ўтказиш куни** тўғрисида вазирликнинг [www.ifmr.uz](http://www.ifmr.uz) расмий веб-сайтида эълон берилади.

**3-босқич:** Онлайн суҳбат ўтказилган кундан бошлаб **20** (йигирма) **иш куни ичида** танловдан муваффақиятли ўтган номзодлар тўғрисида расмий веб-сайт орқали маълумот берилади.

**ДИҚҚАТ!!!**

**ҚУЙИДАГИ ҲОЛЛАРДА НОМЗОДЛАРНИНГ АНКЕТАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛМАЙДИ:**

- **НОМЗОДЛАР ИЛОВАГА МУВОФИҚ МАЪЛУМОТНОМА БИЛАН ИНШО (ЭССЕ)НИ ТАҚДИМ ЭТМАГАН ҲОЛЛАРДА;**
- **ИНШО (ЭССЕ)ЛАРИДА АЙНАН ҚАЙСИ ДЕПАРТАМЕНТ, ҚАЙСИ БОШҚАРМА ВА БЎЛИМДА ҲАМДА ЛАВОЗИМДА ИШЛАШ УЧУН ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШЛАРИ КЎРСАТИЛМАГАН ТАҚДИРДА;**
- **БОҒЛАНИШ УЧУН ТЕЛЕФОН РАҚАМИ ҲАМДА ЭЛЕКТРОН МАНЗИЛЛАРИ АНИҚ КЎРСАТИЛМАГАНДА.**

Ишчи гуруҳи томонидан танлов ва танлов натижалари ҳақидаги барча маълумотлар фақат вазирликни [www.mineconomy.uz](http://www.mineconomy.uz) расмий веб-сайти орқали номзодларга етказилади.

*Ишчи гуруҳи билан боғланиш учун (+99871) 244-02-93, телефон рақамига мурожаат қилишингиз мумкин.*

**МАЪЛУМОТНОМА** (14 шрифт)

**3x4 рангли фотосурат**

**Ботир Баходирович Эшматов** (14-шрифт)

2012 йил 20 февралдан

**Суд департаменти Сирдарё вилоят худудий бошқармаси  
суд қарорларини ижро этиш бўлимининг етакчи инспектори** (11-шрифт)

**Туғилган йили:**

20.08.1985 (11-шрифт)

**Туғилган жойи:**

Сирдарё вилояти

Гулистон шаҳри  
(11-шрифт)

**Миллати:**

ўзбек (11-шрифт)

**Партиялиги:**

йўқ (11-шрифт)

**Маълумоти:**

олий (11-шрифт)

**Тамомлаган:**

2006 й. Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
(бакалавр) (11-шрифт)

**Маълумоти бўйича мутахассислиги:**  
(11-шрифт)

иқтисодчи  
(11-шрифт)

**Илмий даражаси:**

йўқ (11 шрифт)

**Илмий унвони:**

йўқ

(11-шрифт)

**Қайси чет тилларини билади (тўлиқ кўрсатилиши лозим):**

рус, инглиз тилларини (11-шрифт)

**Давлат мукофотлари билан тақдирланганми (қанақа):**

Йўқ (11-шрифт)

**Халқ депутатлари республика, вилоят, шаҳар ва туман Кенгаши депутатими  
ёки бошқа сайланадиган органларнинг аъзосими (тўлиқ кўрсатилиши лозим):**

йўқ (11-шрифт)

## **МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ** (14-шрифт)

- |               |   |            |
|---------------|---|------------|
| 2002-2006 йй. | - Самарқанд Давлат университети талабаси (11-шрифт)   |            |
| 2006-2008 йй. | - Сирдарё вилояти Гулистон туман суд ижрочилари бўлинмасининг суд ижрочиси                                      | (11-шрифт) |
| 2008-2010 йй. | - Сирдарё вилояти Боёвут туман суд ижрочилари бўлимининг катта суд ижрочиси                                     | (11-шрифт) |
| 2010-2012 йй. | - Суд департаменти Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармаси суд қарорларини ижро этиш бўлимининг инспектори (11-шрифт) |            |

2012 й.-х.в.

- Суд департаменти Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармаси суд қарорларини ижро этиш бўлимининг етакчи инспектори (11-шрифт)

**Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институтидаги вақант жойларга  
бўлган талаблар ва номзоднинг вазифалари**

№	Лойиха, гуруҳ ва бўлимдаги бўш иш ўрни	Талаблар	Вазифалар	Қобилиятлари
1	Ўқилғи-энергетика комплекси тармоқларини ривожлантириш ва энергия самарадорлигини ошириш бўйича гуруҳи <b>бош илмий ходими</b>	Олий таълим (Ғарбнинг университетларида таълим олганлик дипломи, илмий даражаси (фан номзоди, фан доктори, PhD) борлар мамнуният билан қабул қилинади).	Ўқилғи-энергетика мажмуи тармоқларини ривожлантириш бўйича услубий қоидалар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш. Энергетика бозорини эркинлаш-тириш, ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш, энергетика соҳасида бозор муҳитини шакллантириш муаммолари ўрганиш, прогнозларни тайёрлаш, ўқилғи-энергетика мажмуасининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари, ривожланишнинг бозор тамойилларини амалга ошириш механизмлари ишлаб чиқиш.	Мустақил компьютер фойдаланувчи. Microsoft Office (Excel, Word, Power Point) асосий дастурлари, статистик дастур тўплами – Stata, EViews, электрон ёзишмаларни юбориш ва қабул қилиш дастурлари билан ишлаш қобилияти. Ўзбек ва рус тилларни юқори даражада билиши, инглиз тилини билиши мамнуният билан қабул қилинади. Иш жараёнида хужжатларини малакали тайёрлаш.
2	Эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ҳамда ишлаб чиқариш кластерларини ривожлантириш бўйича гуруҳи <b>бош илмий ходими</b>	иқтисодиёт ёки молия йўналиши бўйича олий маълумотли; -3 йиллик иш стажига эга; -ўзбек тилини мукамал, рус ва инглиз тилларини юқори даражада билган; -компьютер саводхонлиги, жумладан Microsoft Word, Excel ва Power Point дастурларини мукамал билиши; -манбаларни таҳлил қилиш ва қайта ишлаш; -маълумотларни излаш, таҳлил қилиш ҳамда улар устида ишлаш.	Хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда ЭИЗ ва КСЗ ни, шунингдек саноат кластерларини ривожлантириш бўйича услубий регламент ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш. Тенденцияларнинг муаммолари ва захираларни таҳлил қилиш, Tendentsiyalari, muammolari va захiralарини tahlil qilish, ЭИЗ ва КСЗ ни, шунингдек саноат кластерларини ривожлантириш чора-тадбирлари ва механизмлари бўйича прогнозлар ва таклифлар тайёрлаш.	ҳалоллик, меҳнатсеварлик, ташаббускорлик ва ўз вазифасига масъулият билан ёндашиш; -ҳамкасбларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, жамоа билан ишлаш қобилиятига эга бўлиши; - ўз таклифларини тақдим қила олиши.
3	Агросаноат комплексини ривожлантириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини	- фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (DSc) (афзаллик қишлоқ	Хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда агросаноат тармоқларини ривожлантириш ва агросаноат тармоқларининг	Ҳамжиҳатлилик Саводли ёзма ва оғзаки нутқ

	<p>таъминлаш масалалари бўйича лойиҳаси <b>бош илмий ходими</b></p>	<p>хўжалиги иқтисодиёти ёки агросаноат комплекси иқтисодиёти соҳаси бўйича мутахассисга берилади); - ўзбек, рус ва инглиз тилларини билиши шарт, кўшимча тиллар қабул қилинади; - Stata, Eviews, R дастурлари билан ишлаш кўникмаларига ега бўлиш. - илмий даража, чет элда иш тажрибаси қабул қилинади; - илмий нашрларнинг, шу жумладан чет элларда мавжудлиги; - тегишли мутахассислик бўйича камида 7 йил иш тажрибаси.</p>	<p>рақобатбардошлигини ошириш бўйича кўрсатмалар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш. Тенденциялар, муаммолар ва захираларни таҳлил қилиш, агросаноат тармоқларининг ўсишини таъминлаш ва рақобатбардошлигини ошириш, прогноз қилиш, чора-тадбирлар ва механизмлар бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.</p>	<p>Мослашувчанлик ва танқидни қабул қилиш Аналитик фикрлаш Натижага эришувчанлик Стрессга чидамлик Мунтазам ишларни бажаришга тайёрлик Масъулиятлилик</p>
4	<p>Инвестиция ва инновация фаолиятини ривожлантириш масалалари бўйича лойиҳаси <b>етакчи илмий ходими</b></p>	<p>-иқтисодиёт ёки молия йўналиши бўйича олий маълумотли; -3 йиллик иш стажига эга; -ўзбек тилини мукамал, рус ва инглиз тилларини юқори даражада билган; -компьютер саводхонлиги, жумладан Microsoft Word, Excel ва Power Point дастурларини мукамал билиши; -манбаларни таҳлил қилиш ва қайта ишлаш;</p>	<p>Хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда инновацион фаолиятни ва юқори технологияли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича кўрсатмалар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш. Тенденциялар, муаммолар ва захираларни таҳлил қилиш, инновацион фаолиятни ривожлантириш чоралари ва механизмлари бўйича прогнозлар ва таклифларни тайёрлаш</p>	<p>-ҳалоллик, меҳнатсеварлик, ташаббускорлик ва ўз вазифасига масъулият билан ёндашиш; -ҳамкасбларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, жамоа билан ишлаш қобилиятига эга бўлиши; - ўз таклифларини тақдим қила олиши.</p>

		-маълумотларни излаш, таҳлил қилиш ҳамда улар устида ишлаш.		
5	<p>Логистика инфратузилмасини ривожлантириш ва рақамли иқтисодиётни шакллантириш бўйича лойиҳа <b>бош илмий ходими</b></p>	<p>Ахборот-коммуникация инфратузилмаси соҳасида камида 3 йил иш тажрибаси; макроиқтисодиёт асослари соҳасидаги билимларнинг, шунингдек иқтисодий таҳлил қилиш кўникмаларининг мавжудлиги; компьютер дастурлари бўйича профессионал билим: Microsoft Word, Excel va Power Point; рақамли иқтисодиётни ривожлантириш соҳасидаги асосий қонун ҳужжатлари ва ушбу соҳадаги меъёрий ҳужжатларни яхши билиш; ахборот ва коммуникацияларни ривожлантириш билан боғлиқ халқаро рейтингдаги республика мавқеини яхшилаш соҳасидаги умумий билимларга ега бўлиш; чет тилларини яхши билиши (рус ва инглиз</p>	<p>Халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, илмий-тадқиқот режасини ишлаб чиқишда иштирок этиш, ахборот-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бўйича услубий қоидалар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш. Тенденциялар, муаммолар ва захираларни таҳлил қилиш, ахборот-коммуникация инфратузилмасини ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари ва механизмлари бўйича прогнозлар ва таклифларни тайёрлаш, прогноз ва таҳлил ишларини олиб бориш, республиканинг рақамли иқтисодиётини шакллантириш мақсадида ахборот-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бўйича тадбирларни умумлаштириш.</p>	<p>Ташаббускор, янгиликка интилувчан, жамоада соғлом муҳитни таъминлай-диган, макроиқтисо-диёт соҳасидаги иқтисодий жараёнлар, ахборот-коммуникация инфратузилма соҳаси ва иқтисодиёт ўртасидаги муносабатларни чуқур таҳлил қилиш кўникмаларига ега бўлган.</p>



		тили талаб қилинади), шунингдек расмий ёзишмалар.		
6	<p>Логистика инфратузилмасини ривожлантириш ва рақамли иқтисодиётни шакллантириш бўйича лойиҳа <b>етақчи мутахассиси</b></p>	<p>Транспорт-логистика инфратузилмаси соҳасида камида 5 йил иш тажрибаси; макроиқтисодиёт асослари соҳасидаги билимларнинг, шунингдек транспорт хизматлари бозорини, шунингдек автомобиль ва (ёки) авиация соҳасига тегишли ҳажм ва сифат кўрсаткичларини таҳлил қилиш кўникмаларининг мавжудлиги; компьютер дастурлари бўйича профессионал билим: Microsoft Word, Excel va Power Point; транспорт, шу жумладан автомобиль ва (ёки) авиация ривожлантириш соҳасидаги асосий қонун ҳужжатлари ва ушбу соҳадаги меъёрий ҳужжатларни яхши билиш; транспорт-логистика инфратузилмасини ривожлантириш билан боғлиқ халқаро</p>	<p>Халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда, транспорт-логистика инфратузилмасини ривожлантириш, шу жумладан автомобиль ва (ёки) авиация соҳаси бўйича методологик низомлар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш. Транспорт ва логистика инфратузилмасини ривожлантиришни таъминлаш чоратadbирлари бўйича ривожланиш босқичларини, муаммо ва заҳираларни ўрганиш, таҳлил ва таклифларни тайёрлаш. Транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича прогнозли таҳлилларни амалга ошириш ва чоратadbирларни умумлаштириш.</p>	<p>Ташаббускор, янгиликка интилувчан, жамоада соғлом муҳитни таъминлай-диган, макроиқтисодиёт соҳасидаги иқтисодий жараёнлар, транспорт соҳаси ва иқтисодиёт ўртасидаги муносабатларни чуқур таҳлил қилиш кўникмаларига ега бўлган.</p>

		<p>рейтингдаги республика мавқеини яхшилаш соҳасидаги умумий билимларга ега бўлиш;</p> <p>чет тилларини яхши билиши (рус ва инглиз тили талаб қилинади), шунингдек расмий ёзишмалар.</p>		
7	<p>Стратегик режалаштириш ҳамда макроиқтисодий параметрлар прогнозларини ишлаб чиқиш масалалари бўйича лойиҳанинг <b>лойиҳа раҳбари</b></p>	<p>Иқтисодиёт, молия, банк, капитал бозори ёки шунга ўхшаш соҳаларда камида 5 йил иш тажрибаси (фақат ривожланган ёки ривожланаётган мамлакатларда), шу жумладан раҳбар лавозимларида камида 2 йил;</p> <p>иқтисодий назария ва макроиқтисодиёт соҳасидаги билимларнинг, шунингдек иқти-содий таҳлил қилиш кўник-маларининг мавжудлиги; Компьютер, компьютер дастур-лари бўйича профессионал билим: Microsoft Word, Excel va Power Point;</p> <p>иқтисодий, банк-молия соҳадаги асосий қонун ҳужжатлари ва ушбу соҳадаги меъёрий</p>	<p>– стратегик режалашти-риш тизимининг илмий-услубий асосларини шакл-лантириш ва иқтисоди-ётни эркинлаштириш ша-роитида қисқа, ўрта ва узок муддатли даврда мамлакат-нинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъмин-лаш, аҳолининг фаровон-лигини ошириш учун мам-лакатнинг интеллектуал, технологик ва инновацион салоҳиятини ошириш прог-нозларини ишлаб чиқиш;</p> <p>– макроиқтисодий сиё-сатнинг миллий иқтисо-диёт, унинг алоҳида соҳалари ва ҳудудларини ривожланишига таъси-рини баҳолашни прог-нозлаш ва моделлашти-ришнинг замонавий воси-таларини энг яхши хорижий тажриба асосида ишлаб чиқиш;</p> <p>– жорий иқтисодий сиёсат ва иқтисодий ривожла-нишнинг глобал тенденци-яларини ўрганиш, иқтисо-дий ўсиш омиллари, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш шарт-шароитлари, иқти-содий ривожланишни жадаллаштириш учун ин-новацион манбаларни фа-оллаштириш, ташқи омил-ларнинг миллий иқтисоди-ётга таъсири билан боғлиқ ҳолда макроиқтисодий</p>	<p>Лидерлик хусусияти-га эга, ташаббускор, янгиликка интилув-чан, жамоада соғлом муҳитни таъминлай-диган, лойиҳа фаоли-ятини самарали таш-кил эта оладиган, макроиқтисодиёт со-ҳасидаги иқтисодий жараёнлар ва ҳодиса-ларни чуқур таҳлил қилиш кўникмаларига ега бўлган ва бош.</p>

		<p>хужжатларни яхши билиш; ишбилармонлик муҳити ва халқаро рейтингларни яхшилаш ва жаҳон ҳамжамияти билан иқтисодий алоқаларни ошириш соҳасидаги умумий билимларга ега бўлиш; чет тилларини яхши билиши (инглиз тили талаб қилинади), шунингдек расмий ёзишмалар.</p>	<p>кўрсаткичларнинг таҳлили ва прогнозини ишлаб чиқиш; – миллий иқтисодиётни ўзига хос шаклланган тар-кибий тузилмаси ва муносабатларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий сиёсат параметрлари билан ўзаро боғлиқликда энг муҳим макроиқтисодий кўрсаткичларнинг прогноз модел-ларини ишлаб чиқиш; – тасдиқланган тадқиқот режаларига, институт раҳ-бариятининг кўрсатмала-рига мувофиқ, вазирлик-лар, идоралар ва респуб-лика корхоналари билан хўжалик шартномалари асосида хорижий молия институтлари, ташкилот-лари ва муассасалари билан илмий-тадқиқот, таҳлилий, услубий ва бош-қа ишларни амалга ошириш.</p>	
8	<p>Ташқи иқтисодий фаолият кўрсаткичларини мониторинг қилиш ва халқаро ҳамкорлик йўналишларини таҳлил қилиш масалалари бўйича лойиҳанинг <b>лойиҳа раҳбари</b></p>	<p>Иқтисодиёт, молия, банк, ташқи иқтисодий фаолият ёки шунга ўхшаш соҳаларда камида 5 йил иш тажрибаси (фақат ривожланган ёки ривожлана-ётган мамлакатларда), шу жумладан раҳбар лавозимлари-да камида 2 йил; иқтисодий назария ва макроиқтисодиёт, ташқи иқти-содий фаолият соҳасидаги билимларнинг, шунингдек иқти-содий таҳлил қилиш кўник-маларининг мавжудлиги;</p>	<p>– ташқи иқтисодий фао-лият самарадорлигини оширишга, миллий маҳсу-лотнинг ички ва ташқи бозорларда рақобатбар-дошлигини оширишга йўналтирилган иқтисоди-ётдаги таркибий ўзгариш-лар стратегиясини ишлаб чиқишда иштирок этиш; – ташқи иқтисодий фао-лиятни ривожлантириш ва ташқи иқтисодий фаолият йўналишидаги ислохотлар бўйича таклифлар тайёр-лаш; – экспортни қўллаб-қув-ватлаш, экспорт ва импорт-да тариф ва нотариф тар-тибга солиш сиёсатини ўрганиш ва илмий асос-ланган таклифлар тайёр-лаш; – ташқи иқтисодий фао-лият кўрсаткичларини мо-ниторинг қилиш ва халқаро ҳамкорлик йўналишларини таҳлил</p>	<p>Лидерлик қобили-ятига эга, ташаббус-кор, янгиликка инти-лувчан, жамоада соғ-лом муҳитни таъмин-лайдиган, лойиҳа фао-лиятини самарали ташкил эта оладиган, макроиқтисодиёт со-ҳасидаги иқтисодий жараёнлар ва ҳодиса-ларни чуқур таҳлил қилиш кўникмаларига ега бўлган ва бош.</p>

		<p>Компьютер, компьютер дастур-лари бўйича профессионал билим: Microsoft Word, Excel va Power Point;</p> <p>иқтисодий, ташқи иқтисодий фаолият, банк-молия соҳадаги асосий қонун ҳужжатлари ва ушбу соҳадаги меъёрий ҳужжатларни яхши билиш;</p> <p>ишбилармонлик муҳити ва халқаро рейтингларни яхшилаш ва жаҳон ҳамжамияти билан иқтисодий алоқаларни ошириш соҳасидаги умумий билимларга ега бўлиш;</p> <p>чет тилларини яхши билиши (инглиз тили талаб қилинади), шунингдек расмий ёзишмалар.</p>	<p>қилиш бўйича таҳлилий шарҳлар, ҳисо-бот ва прогнозлар тайёрлаш;</p> <p>– халқаро ҳамкорлик йўналишларини таҳлил қилиш ва интеграция бирлашмалари билан ҳамкорликни ривожланти-риш бўйича таклифлар тайёрлаш.</p>	
9	<p>Ташқи иқтисодий фаолият кўрсаткичларини мониторинг қилиш ва халқаро ҳамкорлик йўналишларини таҳлил қилиш масалалари бўйича лойиҳа <b>бош илмий ходими</b></p>	<p>Иқтисодиёт, молия, банк, ташқи иқтисодий фаолият ёки шунга ўхшаш соҳаларда камида 2 йил иш тажрибаси (фақат ривожланган ёки ривожлана-ётган мамлакатларда;</p> <p>иқтисодий назария ва макроиқтисодиёт, ташқи иқти-содий фаолият</p>	<p>– солиқ-бюджет сиёсати соҳасидаги жаҳон иқти-содиёти ривожланиши-нинг тенденциялари ва миллий иқтисодиётга таъсир кўрсатувчи ташқи омилларни ўрганиш;</p> <p>– Ўзбекистондаги пул-кредит ва валюта сиёсати ривожланишининг замо-навий тенденцияларини олиб борилаётган макро-иқтисодий сиёсат билан боғлаган ҳолда ўрганиш;</p>	<p>Ташаббускор, янги-ликка интилувчан, жамоада соғлом муҳитни таъминлай-диган, макроиқтисо-диёт соҳасидаги иқти-содий жараёнлар ва ҳодисаларни чуқур таҳлил қилиш кўникмаларига ега бўлган ва бош.</p>

		<p>соҳасидаги билимларнинг, шунингдек иқти-содий таҳлил қилиш кўник-маларининг мавжудлиги; Компьютер, компьютер дастур-лари бўйича профессионал билим: Microsoft Word, Excel va Power Point;</p> <p>иқтисодий, ташқи иқтисодий фаолият, банк-молия соҳадаги асосий қонун ҳужжатлари ва ушбу соҳадаги меъёрий ҳужжатларни яхши билиш;</p> <p>ишбилармонлик муҳити ва халқаро рейтингларни яхшилаш ва жаҳон ҳамжамияти билан иқтисодий алоқаларни ошириш соҳасидаги умумий билимларга эга бўлиш;</p> <p>чет тилларини яхши билиши (инглиз тили талаб қилинади), шунингдек расмий ёзишмалар.</p>	<p>– Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқар-тириш вазирлиги билан ҳамкорликда иқтисодий либераллаштириш шаро-итида ва хорижий дав-латлар билан иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида ташқи савдо сиёсатини шаклланти-ришда иштирок этиш;</p> <p>– мамлакат ва мамлакат-лар гуруҳининг ташқи савдо фаолиятини таҳлил қилиш, ташқи савдо механизмларини таҳлил қилиш ва ташқи савдо оқимларини прогнозлаш-тириш учун савдо моделларини яратиш бўй-ича хорижий тажрибани ўрганиш;</p> <p>– ташқи иқтисодий фао-лият таҳлилининг энг долзарб муаммолари ва ташқи иқтисодий фаолият ривожланиш тенденция-лари бўйича қисқа таҳлилий маълумотлар (шарҳлар) тайёрлаш ва тақдим этиш;</p> <p>– Институт Илмий тадқиқот ишлар режасига кўра амалга ошириладиган тадқиқотлар, раҳбарият топшириғлари бажарили-шида иштирок этиш.</p>	
10	<p>Институционал ўзгаришлар ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича лойиҳа <b>бош илмий ходим</b></p>	<p>Иқтисодиёт, эконометрика, статистика соҳалари бўйича юқори билимга эга, олий маълумотли, илмий даражага эга ёки</p>	<p>институционал муҳит ҳолати ва ундаги ўзгаришларнинг иқтисодий ўсишга таъсирини баҳолаш; тадбиркорликни ривожлантириш бўйича стратегия ва сценарийлар ишлаб чиқиш; бизнес юритиш соҳасидаги муаммоларни</p>	<p>Институционал ўзгаришларга таъсир этувчи восита ва механизмларни таҳлил этиш, тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича усубий қоидалар</p>

		<p>иктисодиёт йўналиши бўйича камида 3 йил раҳбарлик лавозимида ишлаган, соҳага оид қонунчилик билимларига эга, тадбиркорлик соҳасида пайдо бўлган муаммоларни ҳар томонлама ва чуқур-аниқ таҳлил қила олиши</p>	<p>бартараф этиш йўллари асослаш, мазкур йўналиш бўйича илмий-амалий тадқиқотлар ўтказиш</p>	<p>ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиши</p>
11	<p>Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини ўрганиш илмий маркази <b>ўринбосари</b>, Аҳоли фаровонлиги ва камбағаллик даражасини таҳлил қилиш бўйича йиғма лойиҳанинг <b>лойиҳа раҳбари</b></p>	<p>PhD ёки DSc илмий даражаси Иш стажи камида 5 йил Ўзбек, инглиз ва рус тилларини билиш Чет эл университетларида олинган таълим афзалроқ</p>	<p>Илмий-тадқиқот лойиҳаларининг дастурлари ва ҳисоботларини ишлаб чиқиш. Аҳоли фаровонлиги ва камбағалликни даражасини таҳлил қилиш бўйича услубий асослар, кўрсатмалар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишда мувофиқлаштириш ва иштирок этиш. Халқаро ва мамлакатдаги тажрибадан келиб чиққан ҳолда аҳоли фаровонлиги ва камбағаллик даражасини доимий мониторингини ташкил қилиш. Аҳоли турмуш даражасини таҳлил қилиш механизмлари ва прогнозлаштириш бўйича чора-тадбирлар ҳамда таклифлар тайёрлаш.</p>	<p>Фанлараро ва тармоқлараро характерга эга янги фундаментал билимларни яратиш. Жараёнларнинг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ методологик, тадқиқот ёки лойиҳа характерига эга масалаларни хал қилиш. Стратегияни аниқлаш, ижтимоий жараёнларни бошқариш. Маълум соҳага катта (муносиб) ҳисса қўшиш ва иктисодий моделлаштириш дастурларида ишлаш юқори малакасига эга Миллий ёки халқаро даражадаги фаолиятнинг натижаларига жавобгарлик</p>
12	<p>Аҳоли фаровонлиги ва камбағаллик даражасини таҳлил қилиш бўйича йиғма лойиҳа <b>бош илмий ходими</b></p>	<p>PhD ёки Докторлик даражаси Иш стажи камида 3 йил Ўзбек, инглиз ва рус тилларини билиш Қўшимча профессионал дастурлар амалий тажриба</p>	<p>Мамлакат аҳолисининг камбағаллик даражасини таҳлил қилиш ва камбағалликни таҳлил қилиш ва прогноз қилиш муаммоларини ўрганиш. Хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистонда аҳоли турмуш даражасини таҳлил қилиш ва прогноз қилиш бўйича</p>	<p>Microsoft office ва иктисодий моделлаштириш дастурларида ишлаш юқори малакасига эга. Технологик ёки методик характердаги, шу жумладан инновацион профессионал билимларни, тадбиқ қилиш.</p>

			илмий тавсиялар, услубий қоидалар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш. Хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда мамлакатдаги аҳоли турмуш даражасини аниқлаш бўйича услубий қоидалар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш. Камбағаллик даражасини баҳолаш, камбағаллик муаммоларини ўрганиш ва уни бартараф этиш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқиш. Тенденциялар, муаммолар ва заҳираларни таҳлил қилиш.	Профессионал ахборотни мустақил излаш, таҳлил қилиш ва баҳолаш.
13	Инсон капитали омилларини таҳлил қилиш ва прогнозлаш бўйича гуруҳининг гуруҳ раҳбари	PhD даражаси Иш стажи камида 3 йил Ўзбек, инглиз ва рус тилларини билиш	Инсон капитали ва унинг таркибига кирувчи тармоқлар (соҳалар) ни таҳлил қилиш ва прогнозлашнинг услубларини жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқиш, уларни такомиллаштиришда ҳамда таълим, соғлиқни сақлаш, уй-жой ва коммунал хўжалиги ва бошқа тармоқларни ривожланиш концепцияларини ва стратегияларини ишлаб чиқишда қатнашиш. Ижтимоий хизматлар соҳасини ривожланишини мониторинг қилиш, таркибий ўзгаришларни аниқлаш, устувор йўналишларни илмий асослаш. Гуруҳ ходимлари фаолиятини мувофиқлаштиради. Камбағалликни мониторинг қилиш ва сўровномалар ўтказишда бевосита қатнашиш.	Профессионал фаолиятнинг методологик асосларини тушуниш. Маълум соҳадаги амалий характерга эга янги билимлар яратиш. Бўлим ёки ташкилот даражасида бажариладиган ишларнинг натижасига жавобгарлик, бўлимлар доирасида стратегияни аниқлаш Ходимлар ва ҳамкор бўлимларнинг ўзаро алоқасини таъминлаш. Microsoft office ва иктисодий моделлаштириш дастурларида ишлаш юкори малакасига эга
14	Ижтимоий табақалашувни баҳолаш ва халқаро рейтинглар таҳлил гуруҳининг гуруҳ раҳбари	PhD даражаси Иш стажи камида 3 йил Ўзбек, инглиз ва рус тилларини билиш	Бириктирилган гуруҳда илмий тадқиқотлар ўтказишда раҳбарликни амалга ошириш ва гуруҳ йўналиш бўйича юклатилган илмий тадқиқотларни олиб бориш. Аҳоли турмуши ва камбағалликни ўрганиш бўйича сўровномалар ўтказишнинг жаҳон андозаларига мувофиқ методологиясини ишлаб чиқиш. Камбағалликни мониторинг қилиш ва сўровномалар ўтказишни ташкил этиш ва	Профессионал фаолиятнинг методологик асосларини тушуниш. Маълум соҳадаги амалий характерга эга янги билимлар яратиш. Бўлим ёки ташкилот даражасида бажариладиган ишларнинг натижасига

			бевосита қатнашиш. Тадқиқот методологияси ва услубларини ишлаб чиқишда ҳамда тадқиқот натижаларини аниқ тавсиялар билан таҳлил қилиш. Ижтимоий тадқиқотларни ўтказишда услубий асосларни ва методик ёндашувларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш. Турмуш даражаси ва сифатининг турли таркибий қисмларида муаммолар ва номутаносибликларни аниқлаш. институт илмий-тадқиқот ишларининг тасдиқланган режасига ва гуруҳнинг вазифалари ва фаолиятига мос келадиган топшириқ ва кўрсатмаларига мувофиқ тегишли вазифаларни бажариш.	жавобгарлик. Ходимлар ва ҳамкор бўлимларнинг ўзаро алоқасини таъминлаш Microsoft office ва иктисодий моделлаштириш астурларида ишлаш юкори малакасига эга.
	Ижтимоий табақалашувни баҳолаш ва халқаро рейтинглар таҳлил гуруҳи <b>бош илмий ходими</b>	PhD даражаси Иш стажи камида 3 йил Ўзбек, инглиз ва рус тилларини билиш	Гуруҳга юклатилган вазифаларнинг энг муҳим соҳасида тадқиқотлар ўтказиш методологияси ва услубларини ишлаб чиқишда иштирок этиш. Тадқиқот методологияси ва услубларини ишлаб чиқишда ҳамда тадқиқот натижаларини аниқ тавсиялар билан таҳлил қилишда иштирок этиш. Камбағалликни мониторинг қилиш ва сўровномалар ўтказишни ташкил этиш ва бевосита қатнашиш. Институт илмий-тадқиқот ишларининг тасдиқланган режасига ва гуруҳнинг вазифалари ва фаолиятига мос келадиган топшириқ ва кўрсатмаларига мувофиқ тегишли вазифаларни бажаришда иштирок этиш	Профессional фаолиятнинг методологик асосларини тушуниш. Маълум соҳадаги амалий характерга эга янги билимлар яратиш. Бўлим ёки ташкилот даражасида бажариладиган ишларнинг натижасига жавобгарлик. Ходимлар ва ҳамкор бўлимларнинг ўзаро алоқасини таъминлаш. Microsoft office ва иктисодий моделлаштириш дастурларида ишлаш юкори малакасига эга
<b>15</b>	Маъмурий ва хўжалик фаолияти бўлими <b>бош мутахассиси</b>			
<b>16</b>	Халқаро алоқалар ва ҳамкорликни ривожлантириш бўлими	- Олий маълумотига эга бўлиш; - <b>1 йиллик</b> меҳнат тажрибасига эга бўлиш;	- Институт томонидан миллий ва халқаро ташкилотлар ва институтлар билан биргаликда ташкил этиладиган учрашувлар, семинарлар, конференциялар	- Оғзаки ва ёзма саводхонлиги; - Компьютер саводхонлиги, жумладан Microsoft Word, Excel ва Power Point дастурларини билиши;



	<b>етақчи мутахассиси (0,5 ставка)</b>	- Инглиз, рус ва ўзбек тилларини <b>мукаммал</b> билиш (IELTS сертификатига эга бўлган (камида 6 балл) номзодлар маъқулланадилар);	ва тренинглари ташкил этиш ва ўтказишда иштирок этиш; - раҳбарият топшириғига асосан Институт ходимларига расмий ҳужжатлар ва илмий материалларни таржима қилишда ёрдам бериш; - бўлим ёзувларини сақлаш, бўлим ёзишмаларини амалга ошириш, буюртмалар ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг бажарилишини қайд этиш ва назорат қилиш; - учрашув ва музокараларни тайёрлашда, ташкилий-техник масалаларни ҳал қилишда (виза қўмағи олиш, чипталарни брон қилиш ва бошқаларда иштирок этиш.); - раҳбарият томонидан бўлимга юкланган бошқа вазифаларини бажариш; - бўлим бош мутахассиси йўқлигида унинг вазифалари бўйича жавобгарликни ўз зиммасига олиш.	- Муомала ва музокара маданияти; - Профessional этикет асосларини билиши.
<b>17</b>	Ахборот ва дастурий-техник таъминот бўлими <b>бошлиғи</b>			
<b>18</b>	Хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлар бўлими <b>котиб-референти</b> (4,5 ставка)			